



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

САВДО ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИДА МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Абдухолиқова Фарангиз Абдухолиқ қизи
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Рақамли иқтисодиёт” кафедраси ассистенти
farangizabduxoliqova57@gmail.com.

Аннотация

Ушбу мақолада савдо хизматлари тизимида маҳсулотлар сифатини ривожлантириш ва юқори даражага кўтаришнинг замонавий услубларини жорий этиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: сифат, тизим, маҳсулот, хизмат, рақобатбардошлик, мижоз, мулоқот.

Аннотация. В данной статье особое внимание уделяется необходимости внедрения современных методов развития и повышения качества продукции в системе торговых услуг.

Ключевые слова: качество, система, продукт, услуга, конкурентоспособность, клиент, коммуникация.

Abstract: This article focuses on the need to implement modern methods of development and product quality improvement in the trade services system.

Key words: quality, system, product, service, competitiveness, client, communication.



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Ҳозирги глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган шароитда савдо хизматлари тизимида маҳсулот сифати муҳим стратегик омил ҳисобланади. Истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари ортиб бораётган бир пайтда, маҳсулот сифати нафақат корхонанинг рақобатбардошлигини оширади, балки бозорда мустақкам ўрин эгаллашини ҳам таъминлайди. Шу сабабли савдо хизматлари тизимида маҳсулотлар сифатини ривожлантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз иқтисодиёти тобора ривожланиб бораётган бир даврда, ҳар қандай соҳани ривожлантириш ва юқори даражага кўтариш учун хизматлар соҳасида сифатни бошқаришнинг замонавий услубларини жорий этиш лозим бўлади. Товар (иш, хизмат)нинг харидорга қулайлигини аниқлашда қўлланиладиган **техник йўналишга** унинг техник хусусияти, қўлланилиш соҳаси, яроқлилиқ ва кафолат муддатлари, сифати каби истеъмол қийматини оширувчи омиллар киради.

Товарнинг **иқтисодий қулайлиги**, унинг баҳоси, маълум муддатда ёки ишлатиш давомида бепул таъмирлаб бериши ёки кафолат муддатида бепул эҳтиёт қисмларни алмаштириб бериши, ишлатиш давомида (кафолат муддатидан кейин ҳам) унга сервис хизматини кўрсатиш тартиби, харидорнинг иқтисодий имконияти, мазкур товарнинг унга нархи ва сифати жиҳатидан мос келиши, ушбу товарнинг харидорлар ижтимоий қатламига, касбий йўналишига мос келиши каби омилларни ўз ичига олади.

Товар (иш, хизмат)нинг харидорга қулайлигининг **эргономик йўналишига** унинг одам организмига мослиги, саломатлигига хавфсизлиги, таркибида табиий ва сунъий тола (материаллар)нинг улуши каби омилларни киритиш мумкин.

Харидорга (истеъмолчига) товарнинг **эстетик йўналиши** ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буларга унинг ташқи кўриниши, безакларнинг бежиримлиги,



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

ўлчамининг мослиги, дид билан безатилганлиги каби омилларни киритса бўлади.

Товар (иш, хизмат)нинг ушбу йўналишлари тўғрисидаги маълумот статистик ва бухгалтерия ҳисоби ёки ҳисоботларида ўз аксини топган эмас. Шу туфайли бу кўрсаткич ва омилларни тадбиркорлик субъектида фаолият кўрсатувчи маркетолог ва менежерлар махсус ўрганиш, кузатувлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини бошқарув ҳисоби ва ҳисоботида қайт қилиб бориш тартибини йўлга қўйиши лозим. Тадбиркорнинг рақобатбардошлиги, бу оддий тадбирлар билан таъминланмайди. У жуда кўп сай ҳаракатларни, тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Кўришиб турибдики, хизматларни тўғри ва самарали тақсимлаш орқали товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш катта тадбирлар мажмуасини талаб қилар экан. Бу эса корхоналарда маҳсулотлар сифат бошқаруви олдида ўта муҳим ва янги вазифаларни юклайди. Сифат бошқаруви эркин рақобат ҳукм суриб турган бозор муносабатлари шароитида тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириши лозим:

- рақобатбардошликни таъминловчи йўналишларни аниқлаш ва уларни баҳолаш учун тегишли тадқиқотлар олиб бориш;
- рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни баҳоловчи рақамлар ва ахборотлар билан таъминлаш;
- рақобатбардошликни таъминловчи ижобий ва салбий омилларни аниқлаш ва ижобийларини такомиллаштириш, салбийларини бартараф қилиш йўллариини ишлаб чиқиш;
- барча кўрсаткичлар ва омиллар тизимини ўзида ифода этадиган рақобатбардошликни ифодаловчи ягона (комплекс) кўрсаткични аниқлаш



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

ва у орқали мазкур кўрсаткичнинг қатор даврлар мобайнида ўзгариш тенденциясига баҳо бериш;

- барча ахборотларни жамлаб тадбиркорнинг ва у ишлаб чиқариб сотаётган товари (иш, хизмати) рақобатбардошлигини таъминловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ниҳоят, уни яхшилаш бўйича тегишли қарорларини қабул қилиш.

Маҳсулот сифати деганда, унинг истеъмол қиймати, хавфсизлиги, ишончилиги, ташқи кўриниши ва стандарт талабларга мослиги тушунилади. Савдо хизматлари тизимида юқори сифатли маҳсулотлар таклиф этилиши мижозлар ишончини оширади, сотув ҳажмини кўпайтиришга ва корхонанинг ижобий имижини шакллантиришга хизмат қилади.

Савдо хизматлари тизимида маҳсулот сифатини ривожлантириш йўллари

1. Сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ISO 9001 каби халқаро сифат стандартларини жорий қилиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини назорат қилиш мумкин. Бу эса камчиликларни ўз вақтида аниқлашга ёрдам беради.

2. Истеъмолчи талабларини ўрганиш Маркетинг тадқиқотлари, сўровномалар ва мижозлар фикрини таҳлил қилиш орқали бозор талабига мос маҳсулотлар таклиф этиш мумкин.

3. Инновацион технологиялардан фойдаланиш Замонавий технологиялар ва автоматлаштирилган тизимлар маҳсулот сифати ва хавфсизлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

4. Кадрлар малакасини ошириш Савдо ходимларини доимий равишда ўқитиш, уларнинг касбий билим ва кўникмаларини ривожлантириш маҳсулот сифатига бевосита таъсир қилади.



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

5. Сифат назоратини кучайтириш Маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш ва сотиш жараёнларида қатъий назорат ўрнатиш орқали нуқсонли маҳсулотлар сотувининг олди олинади.

6. Мижозлар билан мулоқотни яхшилаш Савдодан кейинги хизмат кўрсатиш, кафолат ва қайтариш тизимларини такомиллаштириш маҳсулот сифатига бўлган ишончни оширади.

Хулоса қилиб айтганда, савдо хизматлари тизимида маҳсулотлар сифатини ривожлантириш комплекс ёндашувни талаб қилади. Сифатни бошқариш, инновация, кадрлар малакаси ва истеъмолчи талабларини ҳисобга олиш орқали корхоналар бозорда муваффақиятли фаолият юритиши мумкин. Юқори сифатли маҳсулот эса савдо корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлайди.

Фойданилган адабиётлар руйхати

1. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. // Ғ.Ҳ.Қудратов, Б.А.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев, А.Бектемиров, Ш.А.Султонов, Ф.Б.Абдукаримов, У.Н.Нормуродов, З.С.Артиков, О.М.Пардаева, Ш.Ш.Негматова; // И.ф.д., профессор М.Қ.Пардаевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ” нашриёти, 2016. – 430 бет.
2. Kamakura, W.A., Basuroy, S., & Boatwright, P. Is silence golden? An inquiry into the meaning of silence in professional product evaluations. *Quantitative Marketing&Economics*, 4, 2006. 119-141.
- 3.Хекшер Э.Ф. Влияние внешней торговли на распределение дохода // Вехи экономической мысли. Т. 6. Международная экономика / А. П. Киреев. — М.: ТЕИС, 2006. - С. 154-173
- 4.Pardayev M.Q. Xizmat ko'rsatish tarmoqlari iqtisodiyotining ayrim muammolari. Monografiya. Toshkent. «Navro'z», nashriyoti, 2014.



Global Conference on Medical and Health Sciences

Hosted Online from Madrid, Spain

Date: 14th February, 2026

Website: <https://econferencia.com>

-
5. Герба В.А. Совершенствование механизма повышения эффективности и качества государственных услуг (на примере Хабаровского края). Автореферат. Хабаровск, 2013 г.
 6. Kadyrova, R. S. (2021). Indicators and criteria for assessing the quality of public service delivery. ECONOMIC Series of the Bulletin of the LN Gumilyov ENU, (2), 101-111.